

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА ДИЛФУЗА МЕЛИЕВНА

**ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МУАММОЛИ
МАСАЛАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(математика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Махмудова Дилфуза Мелиевна

Талабаларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантириш жараёнида
муаммоли масалалардан фойдаланиш.....5

Махмудова Дилфуза Мелиевна

Использование проблемных задач в процессе развития самостоятельной
творческой деятельности студентов.....21

Makhmudova Dilfuza Melievna

Use of problem tasks in development of independent creative
activity of students.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВА ДИЛҒУЗА МЕЛИЕВНА

**ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МУАММОЛИ
МАСАЛАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(математика)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped249 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Маматов Машрабжон Шахабутдинович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдуқодиров Абдуқаҳҳор Абдувақильевич**
педагогика фанлари доктори, профессор

Ахмедов Соҳибжон Акбарович
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-кимё технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.P.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: 998-71-227-12-24, факс 998-71-246-53-21, 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.М.Арипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.Д.Аскарлов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д (PhD)

Р.Б.Бешимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароити дунёда таълим тизими мутахассисларини тайёрлаш сифатига жиддий эътибор қаратишни тақозо этиб, мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришга бўлган жамият талабининг тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда жаҳоннинг илғор университетларида муаммоли таълимни виртуаллаштириш (Virtualization), мақбуллаштириш (Software Optimization) ва интернет тармоғидаги оммавий онлайн очик курслар, мега-порталлар, инновацион таълимнинг (3D learning; e-learning platforms: Moodle, Pias ва ҳ.к.) жадал равишда оммалашиб бораётганлиги олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фаолияти ва доимий равишда янги ғояларни излаб топиш, амалга татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Жаҳонда таълимга компетентли ёндашув асосида битирувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, педагог кадрларнинг креатив компетентлигини ривожлантириш орқали ижодий таълим жараёнини лойҳалаштиришнинг замонавий методик таъминотини яратиш, олий таълим сифатини таъминлаш йўналишларида самарали тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий касбий таълим мазмунини интернационализациялаш ва модернизациялаш, компетенцияларга асосланган муаммоли таълим муҳитини шакллантириш муҳим ўрин тутди. Талабаларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини компьютер технологиялари воситасида муаммоли математик масалалар ечиш ва амалиётга татбиқ этиш асосида янада такомиллаштирилиши, таълим олувчилар билан компьютер ҳамкорлиги туфайли юзага келган когнитив диссонас билиш жараёнларини фаоллаштиришга хизмат қилиши аҳамиятли ҳисобланади.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологияларни жорий этиш борасида олиб борилаётган кенг ислохотлар натижасида олий таълим муассасаларида ўқитиш сифат-самарадорлиги ортиб, педагог ва талабаларда креатив, янгича математик тафаккур ривожланишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бир қаторда талабалар мустақил ижодий ўқув, билув фаолиятини фаоллаштириш зарурияти ҳам юзага келмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Олий таълим тизимида ўқув дастурлари ва ўқув-услугий материалларини кенг жорий қилиш, талабалар, илмий-педагог кадрларни замонавий касбий билимлари, эркин фикрлай олиш даражаси ва мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш»¹ каби вазифалар белгиланиб, бу борада олий таълим муассасаларида муаммоли таълим ва муаммоли математик масалаларнинг ўзига

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

хос хусусиятлари асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижий мамлакатларда таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда муаммоли таълим технологиялари асосида муаммоли масалаларнинг ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ қатор илмий изланишлар олиб борилган.

Мамлакатимизда муаммоли масалалар воситасида таълим мазмунини такомиллаштиришнинг назарий-методологик ва услубий асослари Ж.Икромов, Т.Тўлаганов, Н.Р.Ғайбуллаев, М.Тожиев, Г.В.Злоцкий, Д.И.Юнусова, Б.С.Абдуллаева, М.Ш.Маматов, С.Алихонов, М.Раёмов, Э.Ғозиевлар; таълимга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш муаммолари М.Арипов, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, А.Р.Марахимов ва бошқаларнинг илмий-тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида Ю.М.Колягин, В.А.Оганисян, О.В.Зиминова, Л.Д.Кудрявцев, Ю.Л.Кетков, А.И.Кузнецовлар томонидан геометрик масалаларни ва оддий дифференциал тенгламалар системасини компьютер технологиялари воситасида ҳамда дифференциал тенгламалар мавзуларини MathCAD, MatLab, Maple, Mathematica муҳитидан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш моҳияти очиб берилган.

Хорижий давлатларда Ж.Адамар, А.Пуанкаре, Ж.Гилфорд, Ж.Рензулли, А.Ренъе каби олимлар томонидан математика таълими жараёнида муаммоли масалаларни қўллашнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш асослари бўйича илмий изланишлар олиб борилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олиб борилган тадқиқотлар, асосан, умумий ўрта таълим муассасаларида муаммоли таълим технологияларидан фойдаланишни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг инновацион салоҳиятни ривожлантиришга оид бўлиб, уларда олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда муаммоли математик масалалардан фойдаланишга кам эътибор қаратилган. Бу эса, олий таълим муассасалари

талабаларида мустақил ижодий фаолиятни ривожлантириш жараёнларида муаммоли масалалардан фойдаланиш масаласини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-4-13-рақамли «Электроспиннинг усулида фиброин, хитозан ва акритонитрил сополимери асосида нанотолали нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2016-2017йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади муаммоли математик масалалардан фойдаланиш асосида олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабалар ижодий фаолиятини ривожлантиришда муаммоли математик масалалардан фойдаланиш бўйича илғор тажрибаларни қиёсий-типологик таҳлил этиш, муаммоли математик масалаларни тузиш ва қўллашнинг дидактик хусусиятларини тадқиқ этиш;

муаммоли таълим шароитида талабалар ижодий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли математик масалалар вариативлигини таъминлаш асосида мисол ва масалалар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда таълим амалиётига татбиқ этиш;

муаммоли ёндашув асосида талабалар ижодий фаолиятини ривожлантириш бўйича оддий дифференциал тенгламалар системаси ҳамда геометрик масалаларни дастурий воситалардан фойдаланиб ўқитишнинг интеграциялашган моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг ижодий фаолиятни ривожлантиришда муаммоли математик масалаларни қўллаш методикаси ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар, дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ҳамда уларнинг самарадорлигини тажриба-синов ишлари орқали аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети муаммоли математик масалалар асосида олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, ретроспектив таҳлил, моделлаштириш, суҳбат, интервью, тест, математик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар ижодий фаолияти даражасини баҳолашнинг математик фикрлашга асосланган прогностик ва квалиметрик параметрлари таркиби муаммоли вариатив математик масалалар элементлари асосида аниқлаштирилган;

талабалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг мазмуни ва ташкилий тузилмаси муаммоли математик масалаларнинг дидактик

хусусиятларига кўра тизимлаштириш ва фанлараро боғлиқликдаги динамик хоссаларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

оддий дифференциал тенгламалар ва геометрик масалаларга оид электрон дастурий воситалар ҳамда мустақил фикрлаш, башоратлаш, танқидий баҳолаш, креативликка йўналтирилган ўқитиш методларини интеграциялаш асосида талабалар ижодий фаолиятида мотивацион, ҳиссий-эмоционал, коммуникатив ривожланиш даражаларини оширишнинг методик имкониятлари такомиллаштирилган;

муаммоли математик масалаларни ечишга қаратилган интегратив ёндашувли интерфаол ва анъанавий методлар асосида талабалар ижодий фаолиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш бўйича илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган геометрик ва дифференциал тенгламаларни дастурий пакетлар асосида ечишга қаратилган муаммоли математик масалалар тизими ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш бўйича методик кўрсатма ва тавсиялар тизими ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари талабалари учун «Талабаларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантиришда муаммоли масалалардан фойдаланиш жиҳатлари» номли монография яратилган ва амалда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти муаммоли математик масалалар ва компьютер технологиялари воситасида талабалар мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти муаммоли математик масалалар ва компьютер технологиялари воситасида талабалар мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш, муаммоли таълим муҳитини яратишнинг инфорацион-методик тизимини такомиллаштириш ҳамда бўлажак ўқитувчиларнинг креатив компетентлигини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари талабаларида мустақил ижодий фаолиятни ривожлантириш жараёнларида муаммоли масалалардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

муаммоли математик масалаларни тизимлаштириш, талабалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг мазмуни ва ташкилий тузилмаси, ижодий фаолият даражасини баҳолашга оид таклифлари А-4-13-рақамли

«Электроспиннинг усулида фиброин, хитозан ва акритонитрил сополимери асосида нанотолали нотўқима материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа доирасида «Полимерлар физикаси» фанидан лаборатория ишлари ҳамда «Нанофизика ва материалшунослик» фанлари ўқув мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 89-03-2403-сон маълумотномаси). Натижада муаммоли математик масалаларни ечиш усулларида фойдаланиш ўлчамлар ва бирликларнинг ўзгаришини тўғри ифодалашда юқори аниқлик ва самарадорликка эришиш имконини берган;

талабалар ижодий фаолиятининг ривожланиш даражалари, педагогик имкониятлари, интеграцион ёндашувли интерфаол ва анъанавий методлардан фойдаланишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 февралдаги 103-сонли «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги «Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш» ҳамда «Математика фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилиши» модуллари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 89-03-2403-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг мазкур модуллар мазмунига сингдирилиши олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг ижодий фаолиятини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли математик масалаларни интеграцион ёндашув орқали интерфаол ва анъанавий методлар воситасида ўқитиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида «Олий математика» фанини ўқитишда фойдаланилган ҳамда таълим самарадорлиги асосланган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 июндаги 89-03-2403-сон маълумотномаси). Мазкур методик таклиф ва тавсиялар талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга имконият яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олий таълим муассасаларида математика ўқув фанини муаммоли ўқитишнинг шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари**» номли биринчи бобда муаммоли таълимнинг моҳияти ва муҳим белгилари, муаммоли таълимнинг педагогик-психологик, методик асослари, муаммоли ҳолатнинг турлари ва математикани ўқитишда қўллаш усуллари ҳамда муаммоли математик масалаларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологияларининг восита сифатида татбиқ қилиниши кўрсатиб берилган. Муаммоли ўқитиш такомиллашган ўқитиш технологияси сифатида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши изоҳланган.

Муаммоли ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фаолияти ўқитишнинг репродуктив шакллариغا нисбатан тобора ўсиб боради. Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва акмеологик ёндашув асосида талабаларда креатив қобилиятни шакллантириш, ўқув вазифалари, муаммоларни ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса талабаларда мустақил ижодий фаолиятнинг ривожланишига олиб келади. Муаммоли таълим шароитда талабаларнинг математик билимларни ўзлаштириш кўникмаси, мотивацияси ва мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда муаммоли математик масалаларнинг ўрни бекиёс.

Муаммоли таълимда билишга бўлган эҳтиёж – асосий манба инсоннинг психик ривожланишига шарт-шароит яратилиши ҳисобланиб, талабаларда билиш мотиви, мустақил ижодий фаолияти ривожланишининг қўллаб-қувватланишига хизмат қиладиган жараён муаммоли вазиятлардир. Муаммоли математик масалаларни ўқитишда кўп ҳолларда талабалар йўл қўйган хатоларнинг ўзи муаммоли ҳолатни юзага келтиради, шунинг учун муаммоли ҳолатни келтириб чиқариш мақсадида талабалар жамоасини хато қилишга йўналтиришга асосланган педагогик усуллар ҳам мавжуд бўлиб, бу математика тарихида «буюк хатолар» номи билан аталади. Уларни таҳлил қилиш талабаларнинг мантиқий фикрлаш қобилияти ривожидида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижасида олиб борилган таҳлиллардан кўринадики, олий таълим муассасаларида математика ўқув фанини муаммоли ўқитиш ва талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришда муаммоли математик

масалалардан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш бўйича куйидаги мулоҳазали ҳолатлар мавжудлиги аниқланди:

– муаммоли математик масалалар орқали талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ривожлантириш методикаси ва муаммоли таълим технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;

– талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган муаммоли таълим технологиялари асосида машғулотлар ва семинарларни ўтказишга ҳамда ўқув материалларини ишлаб чиқишга кам эътибор қаратилаётганлиги;


– ахборот коммуникацион технологиялар ва математик пакетлардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш ва шу асосида дифференциал тенгламалар, геометрия мавзуларини муаммоли ёритишга атрофлича аҳамият берилмаётганлиги кабилар.

Юқоридаги мулоҳазали ҳолатлар талабаларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантиришда қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида талабалар томонидан билимлар тизими, ақлий ва амалий фаолият усулларини самарали ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини шакллантириши, билиш мустақиллиги ўқув-тарбия муаммоларини ҳал этиши, муаммоли математик масалалар мазмунини чуқурлаштириш, ахборот коммуникацион технологиялар ва математик пакетлардан таълим жараёнида самарали фойдаланишни такомиллаштиришни тақозо этади.

Тадқиқот натижасида «Олий математика» курсида талабаларга «Кесмада узлуксиз бўлган функциялар хоссалари» мавзусини ўқитишда муаммоли таълим мақсадининг қандай амалга оширилиши намойиш қилинган ва “ақлли аниқлик” тамойили асос қилиб олинган. Компьютер технологияси асосида муаммоли математик масалаларни ечиш алгоритмлари ишлаб чиқилган ва ўқитиш изчиллиги аниқланган. Олий математикани ўқитишнинг маъруза шаклида муаммоли ҳолатлар, асосан, назарий материални ёритиш вақтида, амалиёт дарсларида эса масалаларни ечиш усули билан келтириб чиқарилиши бўйича методик кўрсатмалар келтирилган.

Математикада муаммоли ўқитишни ташкил қилишда талабаларни компьютердан фойдаланишга йўналтириш масаласи муаммоли ҳолатни келтириб чиқаришнинг самарали манбаси сифатида ижодий фаолиятни ривожлантиришда таълим амалиётида муҳим ўрин тутди. Юқоридаги фикрлар олий таълим муассасалари талабаларининг шахс сифатида шаклланиши, мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириши ҳамда инновацион фаолиятга тайёгарлигида муаммоли таълим технологияларнинг долзарб аҳамиятга эгаллигини асослайди. Муаммоли математик масалаларни тизимлаштириш, дидактик хусусиятларини аниқлаштириш ва интеграллашган таълим муҳитини шакллантириш натижасида талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга доир мотивацион, ҳиссий-эмоционал, коммуникатив, интеллектуал-фаолиятли ҳамда креатив компонентлари такомиллаштирилди.

Тадқиқотлар натижасида муаммоли математик масалалар ёрдамида талабалар мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг мантиқий-тузилмавий модели ишлаб чиқилди. Ушбу моделнинг схематик шакли 1-расм кўринишида тасвирланди.



1-расм. Талабаларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантириш модели

Диссертациянинг «**Муаммоли математик масалаларни ўқитиш асосида талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш методикаси**» номли иккинчи бобида муаммоли математик масалаларнинг хусусиятлари, муаммоли оддий дифференциал тенгламалар ва геометрик масалаларни ўқитиш изчиллиги, оддий дифференциал тенгламаларнинг махсус ечимлари ва чегаравий масалаларни ўрганишда муаммоли масалалардан фойдаланиш методикаси, математик пакетлардан фойдаланиш орқали оддий дифференциал тенгламалар ва геометрик масалаларни ўқитиш методикаси баён қилинган.

Муаммоли математик масала мазмунан изланиш характеридаги ўқув вазиятларини қўйишга йўналтирилган. Агар масала ва мисолларни ечиш жараёни талабалар учун янги математик тушунча, далиллар ва қоидаларни ўз ичига олган бўлса ва репродуктив фикрлаш асосида аввалги усул билан ечиш мумкин бўлмаса, у ҳолда бундай масалалар муаммоли математик масала ҳисобланади. Муаммоли масаланинг қўйилиши объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўқув материални ўрганиш ва унинг туб моҳиятини очиб беришга асосланган муаммоли вазиятларни вужудга келтирадиган интеллектуал қийналишнинг даражаси билан бевосита боғлиқ. Муаммоли вазият биринчи навбатда талабанинг креатив, эвристик фикрлаш фаолиятини психологик, педагогик қонуниятларни ҳисобга олиш асосида характерлайди, хусусан, топшириқларни бажариш жараёнида пайдо бўладиган янги билимларни ўзлаштириш усуллари эгаллаш учун педагогик шарт-шароитлардир.

Бизнингча, Олий математика ўқув фанида муаммоли ҳолатни юзага келтириш учун энг маъқул усул бу – таълим амалиётига муаммоли математик масалаларни киритиш, янги боғланишлар, муносабатлар ва усуллардан фойдаланишни талаб қиладиган амалий ёки қизиқарли масалаларни қўйишдир. Бунда талабаларнинг билишга бўлган қизиқиши, ижодий фаолиятини ривожлантиришда муаммоли геометрик масалалар муҳим аҳамият касб этади. Уларни математик пакетлардан фойдаланиш асосида ечиш усуллари тадқиқ этиш, аввало, талабаларнинг фазовий фикрлаши, дунёқараши, мустақил фаолият кўрсатиши, хотираси, диққати ва иродаси билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, айти пайтда бўлажак мутахассисларга назарий билимларнинг ўзи камлик қилмоқда. Ёшлар таълим-тарбиясида мустақил аналитик ва ижодий фикрлаш сифатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Математика, механика, физика каби аниқ фанларни ўқитишда муаммоли масалаларни ечиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бундай турдаги ишлар нафақат билимни синаш воситаси, балки ўқитувчига ҳам талабанинг мавзуни қандай ўзлаштирганлиги тўғрисида аниқ маълумот олиш имкониятини берадиган самарали ёндашувлардан биридир.

Ўқув жараёнидаги ҳамма детерминистик характеридаги математик масалалар ҳам талабаларда мантикий, ижодий фикрлаш қобилиятларни ривожлантириш имконини беравермайди. Шунинг учун математик

масалаларнинг характери ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги оддий дифференциал тенгламалар ва аналитик геометрия ўқув фанлари бўйича машқлар тўпламларида масалаларни ечиш оддий алгоритмлар бўйича берилганларни формулага қўйиш ва натижани олиш билан тугайди. Бу ерда талабанинг мустақиллиги фақат маълумотларни қўйиш учун зарур бўлган формулани тўғри танлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Муаммоли масалалар эса талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришда қатор афзалликларга эга. Масалан, қуйидаги муаммоли геометрик масалани олайлик:

1-масала. ABC берилган ихтиёрий учбурчак бўлсин. Аввал A', B', C' нуқталар берилган учбурчакнинг мос равишда B, C, A учларида жойлашган бўлиб, томонларда соат стрелкаси йўналишида бир хил ўзгармас тезлик билан ҳаракат қилмоқда. AA', BB', CC' кесмалар кесишиш нуқталари тўпламини топиш керак бўлсин.

Ушбу масала талабаларда ечимга олиб келувчи математик тушунча, формула ва теоремаларни татбиқ қила олмаслик натижасида ҳосил бўладиган интеллектуал қийналиш, муаммоли вазиятларни келтириб чиқаради. Ижодий фикрлаш, ностандарт фикрлаш орқали муаммоли вазиятларни этиш асосида талабаларнинг далилларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, назарий билимларни ностандарт вазиятларда қўллаш малакаси шаклланади. Чунки масала шарти бўйича A', B', C' нуқталар бир пайтда учбурчакнинг кейинги учларига етиб бормайди. Шунинг учун изланаётган тўплам бир нечта бўлақлардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. A', B', C' нуқталар бир хил ўзгармас тезлик билан ҳаракат қилиб, бир пайтда учбурчакнинг кейинги учларига етиб бориши учун ABC учбурчак тенг томонли бўлиши керак.

Учбурчак тенг томонли бўлгани учун BB', CC' кесмалар кесишиш нуқталари тўпламини топиш кифоя. CC', AA' ва AA', BB' кесмалар кесишиш нуқталари тўплами ҳам худди шундай топилади.

1) ABC тенг томонли, шунинг учун $CB=AB$;

2) C', A' нуқталар бир хил тезлик билан ҳаракат қилмоқда, шу сабабли $BC' = AB', CC' = BB'$, бундан эса BCC', ABB' учбурчаклар тенглиги келиб чиқади. BCC', ABB' , бурчаклар тенг, кўринадики, ACC', CBV' бурчаклар ҳам тенг. Иккинчи томондан CBV' ва BCC' бурчаклар йиғиндиси 60° . Демак, ҳар доим BEC бурчак 120° га тенг экан. Бундан изланаётган тўплам B, E, C нуқталардан ўтувчи айлана бўлаги эканлиги келиб чиқади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, талаба ижодий фикрлаш натижасида кейинги кесмалар учун қўллаб соддалаштирилган масаланинг тўлиқ ечимини олади.

Талабалар муаммоли вазиятларни кетма-кет ҳал этиш орқали изланаётган нуқталар тўпламининг бир қисми B, E, C нуқталардан ўтувчи айлананинг бўлаги эканлигини исботлай олишади. Агар берилган учбурчак тенг томонли эканига эътибор қаратилса, бу айлана бўлақлари бир нуқта,

яъни, учбурчакка ташқи чизилган айлана марказида кесишиши келиб чиқади. Бу айлана бўлаклари бир-бирига тенглиги ва уларнинг бирлашмаси, радиуси $a/\sqrt{3}$ га тенг бўлган айланани бериши келиб чиқади. Бундан ташқари талабалар ижодий, мантиқий фикрлаш орқали муаммоли вазиятларни ҳал этиши, масаладаги гипотеза, яъни, учта бўлак нуқталар тўплами, ҳар бири қандайдир эллипс бўлаги эканлигини аналитик исботлай олишади.

Диссертацияда «Олий математика» ўқув фани мавзуларини ўқитишда муаммоли вазиятнинг бешта тури классификацияланган ва уларни ҳал этиш йўллари бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Муаммоли масалалар воситасида биринчи турдаги муаммоли вазият ўрганилаётган янги маълумот билан талабаларнинг шаклланган билим, кўникма ва малакалари қарама-қаршилиги туфайли содир бўлади. Бундай ҳолда ўқитувчининг вазифаси талабаларни ностандарт фикрлаш орқали аввал ўрганилган тушунчаларни боғлашга йўналтириши ва ҳосил бўлган зиддиятли ҳолатни бартараф қилиш учун улардаги мавжуд тасаввурни принципиал ўзгартиришдан иборат. Иккинчи турдаги муаммоли вазият эса муаммоли масалаларни ечиш учун мавжуд билим, кўникма ва малакаларнинг янги қўлланиш соҳаларини ўзлаштириш мақсадида бошқа кўринишга ўтказиш жараёнида пайдо бўлади.

Масалан, ўқув жараёнида иккинчи турдаги муаммоли вазиятлар аналитик геометрия ўқув фанида берилган нуқтадан ўтувчи берилган векторга перпендикуляр текислик тенгламасини келтириб чиқариш, берилган учта нуқтадан ўтувчи текислик тенгламасини келтириб чиқариш, фазода тўғри чизикнинг каноник тенгламаси каби масалаларни мустақил бажариш учун берилганда ҳосил бўлади. Бу эса талабаларнинг ижодий фаолияти ривожланишига муайян даражада ижобий таъсир қилади. Учинчи турдаги муаммоли вазият янги объектларнинг хоссалари ва тушунчаларини киритишда умумлаштириш, аналогия натижасида юзага келтирилади.

Масалан, функцияларни ихтиёрий ортогонал системалар ёрдамида Фурье қаторига ёйиш масаласи ва чекли ўлчовли Эвклид фазосида векторни ортогонал базислар ёрдамида ёйиш масаласи учинчи турдаги муаммоли вазиятларнинг ҳосил бўлишига олиб келади.

Тўртинчи турдаги муаммоли вазият стандарт ўқув масалалари ечимини топишда муаммоли ўқитишнинг юқорида келтирилган барча босқичларини ўз ичига олади: умумий масаланинг кўйилиши, ечишнинг алгоритми (режаси)ни тузиш, алгоритмни амалга ошириш, натижани ўрганиш ва тадқиқ қилиш. Ўқув масалаларини ечишда муаммоли йўналтириш асосида ўқитишнинг самарадорлиги бу масалаларни синфлаштириш ва уларни ечиш усулларини танлашга сезиларли даражада боғлиқ бўлади. Амалиёт дарсларида бир хил алгоритм билан ечиладиган масалаларни ажрата олиш, назарий асосларини муҳокама қилиш ва фан ичидаги ҳамда фанлараро боғлиқликларни, шу билан бирга амалий йўналганликни инобатга оладиган усулни танлаш муаммоли ўқитишнинг муҳим компонентлари ҳисобланади.

Олий математика ўқув фанининг янги бўлимлари мустақил

ўрганилаётганда мавжуд билим, кўникма ва малакаларни қўллаш натижасида бешинчи турдаги муаммоли вазиятлар ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда талабалар олдида маълум ўхшашлик асосида ечиладиган ва кейинчалик янги назария қуриладиган ўқув топшириқлари қўйилади ҳамда уларнинг ижодий фаолияти босқичма-босқич ривожлантириб борилади.

Диссертациянинг ушбу бобида талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга асосланган турли даражадаги муаммоли вазиятларни ҳосил қилишга йўналтирилган мисол ва масалалар тўплами ишлаб чиқилган ва типик масалаларни ечиш усуллари келтирилган. Шунингдек, аналитик геометрия масалалари ва оддий дифференциал тенгламалар системасини муаммоли ўқитишда Maple, MatLab ва MathCAD тизими имкониятлари кўрсатиб берилган.

Дифференциал тенгламалар ўқув фани мавзуларини ўрганишда муаммоли таълимга компьютер тизимларидан фойдаланишни олиб кириш асосида мутахассисларнинг математик тайёргарлиги сифати кескин кўтарилишини таъминлайди. Бунга одатда етарли даражада содда ва бир андозадаги масалаларни ўрганишга сарфланадиган вақтни сезиларли қисқартириш ҳисобига эришилади. Шунингдек, бугунги кунда ўқув фани дастурларига киритилиши муҳим ва зарур бўлган мавзуларни қўшиш имконияти туғилади. Дифференциал тенгламалар курсида ечимлар мавжудлиги ва ягоналиги қисмини махсус ечимлар таҳлили ҳамда сингуляр ғалаёнланган тенгламаларни кенгрок ўрганиш амалий аҳамият касб этади. Мутахассислар томонидан ҳозирда кенг фойдаланилаётган ёпик бошқарув тизимлари турғунлиги назарияси, ночизиқли системалар даврий тебранишлари назарияси, дифференциал ўйинлар назарияси каби мавзуларни киритиш мумкин. Шунингдек, семинар дарслар ҳамда мустақил таълим мазмунига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ерда асосийси содда, бир қолипдаги масалаларни ечиш эмас, балки тизимли муаммоли масалаларни таҳлилий ечиш усулларини бериш муҳим бўлиши зарур.

Тадқиқот жараёнида дифференциал тенгламаларни сонли ечишда ишлатиладиган MatLab ва MathCAD, Maple тизимларининг қўлланиш методикасига кўпроқ тўхталдик. Маълумки, дифференциал тенглама ечимини ҳар доим ҳам ошкор кўринишда олиш мумкин эмаслиги тенгламаларни тақрибий ечиш усулларини ривожлантириш ва бу борада математик пакетлар имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Дифференциал тенгламани тақрибий ечишда, яъни бошланғич ёки бошқа шартни қаноатлантирувчи ечимни топиш, қидирилаётган ечим графигини чизишда талаба олдида аниқликни қандай олиш зарур, деган савол пайдо бўлади.

Масалан, $2tx^2dt+(t^2-1)dx=0$ тенглама ечимини қидиришда дастурий пакетлардан фойдаланилганда тақрибий ечимларни топиш, бошланғич шартлар бўйича графикларни чизиш осон кечади. Чегаравий масалаларни

MatLab тизимида ечишда асосий инструмент «bvp4c» функция бўлиб, у билан оддий ҳоллардаги мулоқот куйидаги кўринишда бўлади:

«sol=bvp4c(@f_e, @f_b,[ab],y_init)». Бу ерда f_e – махсус кўринишга келтирилган оддий дифференциал тенглама, ўнг томонини ҳисоблаш функцияси кўрсаткичи; f_b – $f(y(a), y(b))=0$ форматга келтирилган чегаравий функция кўрсаткичи; [a b] – интеграллаш оралиғи; y_init] – изланаётган ечимга бошланғич яқинлашиш; sol – ечим олинган sol.x ва sol.y поляли структура. Ўнг томонни ҳисоблаш функцияси чақирилганда унга x эркин ўзгарувчининг жорий қийматлари ва y нинг жорий қийматлари вектори берилди. У ўз навбатида берилган оддий дифференциал тенгламага мос dy/dx нинг вектор қийматларини шакллантириши керак бўлади.

Мазкур бобда MathCAD, Maple математик пакетининг афзалликлари ва бу функциядан фойдаланиш бўйича методик кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

MathCAD тизими чегаравий масалаларни ечиш учун бераётган воситалар худди оддий дифференциал тенгламалар системасини ечиш жараёнинг эслатади. Given – Odesolve форматидаги нисбатан замонавий яқинлашувлар, MatLab тизимидаги шунга ўхшаш bvp4c функциясига нисбатан соддароқдир. Унда ҳатто изланаётган ечим учун бошланғич функциянинг берилиши ҳам талаб қилинмайди.

Дифференциал тенгламалар ўқув фани дастурида навбатдаги катта мавзу – юқори тартибли дифференциал тенгламаларга бағишланади. Maple тизими ушбу бўлимдаги масалаларни ечиш учун кенг кўламдаги дастурий воситалар мажмуасини таклиф этади. Maple тизимидан фойдаланиш талабаларнинг юқори тартибли дифференциал тенгламаларни ечиш жараёнини сезиларли даражада қисқартиради. Шунинг билан бирга Maple тизими ҳаракатга мос процедуралар ёрдамида типик масалалар синфини ечиш имкониятини беради. Бундай процедуралар Maple тизими маълумотномасида ўз аксини топган. Maple тизими воситаси дифференциал тенгламалар натижаларини ҳар доим мос график ва расмлар орқали намойиш этиш мумкин бўлади. Айниқса, маъруза ёки амалий машғулот дарсларида татбиқий масалалар ечилаётганда бундай ҳолат самарали натижа беради. Бундан кўринадики, Maple тизимидан фойдаланилганда дифференциал тенгламаларни тақрибий ҳамда аналитик ечиш усуллари алоҳида олиб боришга ҳам эҳтиёж сезилмайди. Maple тизимида ечим, яъни, ҳисоблаш натижаларини визуаллаштириш етарли даражада кўп хилликка олиб келади ва талабалар жуда кўп ортиқча ҳисоблашлардан халос бўлади, натижада дифференциал тенгламалар, уларнинг ечимлари хоссаларини таҳлил қилиш, ижодий фаолиятнинг ривожланиш имконияти туғилади.

Диссертациянинг **«Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари таҳлили»** номли учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда тажриба-синов ишларининг натижалари ва таҳлили берилган. Муаммоли математик масалалардан фойдаланиш орқали талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини олиб бориш мақсадида

олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари орасида сўровнома ўтказилди ва натижалар таҳлил қилинди. Тажриба-синов ишларини олиб боришда Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети ва Қарши давлат университети тажриба-синов майдончалари сифатида танланиб, маълум тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари университетларнинг физика-математика факультетларида иккитадан параллел гуруҳларда олиб борилди. Назорат гуруҳларида ўқитиш жараёни анъанавий дарс асосида амалга оширилган бўлса, синов гуруҳларида биз таклиф этган ўқитиш методи асосида ўтказилди. Биз тажриба-синов натижаларининг аниқлигини таъминлаш учун математик-статистик усулларидан бири бўлган Пирсоннинг хи-квадрат мезонидан фойдаландик.

Талабаларнинг ижодий фикрлаши шакллланганлик даражасини аниқлаш мақсадида ўз-ўзини баҳолаш ва эксперт томонидан баҳолаш усулларини қўлладик.

1-жадвал

Тажриба-синов жараёнида талабаларнинг ижодий фикрлаши шакллланганлиги кўрсаткичлари

Гуруҳлар		Ижодий фикрлашининг шакллланганлик даражаси			Талабалар сони
		Юқори	Ўрта	Паст	
Тажриба бошида	СГ	0	128	70	$n=190$
	НГ	0	121	74	$m=195$
Тажриба охирида	СГ	48	80	62	$n=190$
	НГ	25	72	98	$m=195$

2-жадвал


Тажриба-синов жараёнида олинган умумий натижалар

	Синов гуруҳи $n=190$			Назорат гуруҳи $m=195$		
	Баҳо қиймати	5	4	3	5	4
Мос баҳолар сони	48	80	62	25	70	92
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$\bar{x} = 3,93$			$\bar{y} = 3,6$		
Самарадорлик коэффиценти	$\eta = \bar{x} / \bar{y} = 1,09$					
Ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$3,82 \leq \bar{x} \leq 4,04$			$3,48 \leq \bar{y} \leq 3,72$		

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, синов ва назорат гуруҳлари талабалари ижодкорлик фаолиятининг ўртача даражаси тажриба-синов охирида сезиларли фарқ қилганлиги кўриниб турибди.

Демак, талабаларнинг ижодий фикрлаш ва ўзлаштириш даражаси муаммоли математик масалаларни ўрганиш натижасида муайян даражада

ошди. «Олий математика» фанида муаммоли математик масалалардан фойдаланиш орқали ўқитиш сифати, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи борасида ижобий натижаларга эришилди. Уларнинг статистик таҳлили 2-расмда келтириб ўтилган.



2-расм. Педагогик тажрибанинг умумий статистик таҳлили диаграммаси

Олий таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синув натижаларининг таҳлили «Олий математика» фанини ўқитишда муаммоли математик масалалардан фойдаланиш орқали талабаларнинг ижодий фикрлаши ва ўзлаштириш даражаси назорат гуруҳи талабаларига қараганда ўртача 9 фоизга ошганлигини кўрсатди. Бу эса, олий таълим муассасаларида «Олий математика» фанини ўқитишда муаммоли математик масалалардан фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини исботлади.

ХУЛОСАЛАР

Олий таълим муассасалари талабаларида мустақил ижодий фаолиятни ривожлантириш жараёнларида муаммоли масалалардан фойдаланиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. «Олий математика» фанини ўқитишда муаммоли математик масалалардан фойдаланиш талабаларнинг ижодий ва билиш фаолияти ҳамда мантиқий фикрлаш қобилияти ривожига ижобий таъсир этиши аниқланди. Ушбу ҳолатлар муаммоли математик масалалардан фойдаланиш асосида олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

2. Муаммоли математик масалалардан фойдаланиш орқали ҳосил бўладиган муаммоли вазиятлар синфларга ажратилди, уларнинг синфларга ажратилиш мезонлари (муаммоли математик масалаларнинг қийинлик даражасига ва ўқув материалларининг хусусиятларига асосан) аниқланди. Талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли вариатив математик масалалар тўплами ишлаб чиқилди.

3. «Олий математика» фанини муаммоли математик масалалардан фойдаланган ҳолда ўқитиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, муаммоли математик масалаларни ўқитишда компьютер технологиясининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилди, муаммоли ёндашув асосида талабалар ижодий фаолиятини ривожлантириш бўйича «Олий математика» фанининг оддий дифференциал тенгламалар системаси ҳамда геометрик масалаларни MathCAD, MatLab, Maple, Mathematica каби математик пакетлардан фойдаланиб ўқитиш методикаси такомиллаштирилди.

4. Педагогик тажриба-синов натижаларини математик статистик метод асосида қайта ишлаш орқали «Олий математика» ўқув фани мавзуларини ўқитишда муаммоли математик масалаларни қўллаш самарадорлиги анъанавий ўқитишга қараганда 9 фоизга ошиши ва муаммоли математик масалалар талабаларнинг ижодий ва билиш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди.

5. Ўтказилган назарий изланишлар ва экспериментал тадқиқотлар асосида талабаларда мустақил ижодий фаолиятни ривожлантириш жараёнида муаммоли масалалардан фойдаланиш бўйича қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

– «Олий математика» ўқув фанининг барча бўлимларида талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятини шакллантириш учун муаммоли масалалардан кенг фойдаланиш ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқ;

– талабалар мустақил ижодий фаолиятини ривожлантиришда «Олий математика» ўқув фанининг дифференциал тенгламалар ва геометрияга оид мавзуларини MatLab ва MathCAD дастурий воситаларидан фойдаланиб ўқитиш самаралидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
DSc.28.12.2017.Ред.01.09 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МАХМУДОВА ДИЛФУЗА МЕЛИЕВНА

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОБЛЕМНЫХ ЗАДАЧ В ПРОЦЕССЕ
РАЗВИТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
СТУДЕНТОВ**

13.00.02 – Теория и методика преподавания и воспитания (математика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.3.PhD/Ped249

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Маматов Машрабжон Шахабутдинович**
Доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуқодиров Абдуқаҳҳор Абдувакільевич**
Доктор педагогических наук, профессор

Ахмедов Сохибжон Акбарович
Кандидат физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Специализированного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100174, город Ташкент, улица Университетская, дом 4. Тел.: (+99871) 227-16-65, факс: 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz.).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №__). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, д.4. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: 998 71-246-02-24, 246-53- 21

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2018 года).

М.М.Арипов
Председатель научного Совета по
присуждению учёных степеней,
д. ф.-м.н., профессор

А.Д.Аскарлов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., (PhD)

Р.Б.Бешимов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобализации в мире качеству подготовки специалистов системы образования требуется уделять серьёзное внимание, что является причиной усиления требования общества развитию самостоятельного творческого мышления. В современных условиях необходимость (Software Optimization) виртуализации (Virtualization) проблемного обучения в передовых университетах мира и ускоренное распространение массовых онлайн открытых курсов, мегапорталов в интернете, инновационного образования (3D learning; e-learning platforms: Moodle, Pii и т.д) требует у студентов высших учебных заведений творческой деятельности, постоянного поиска новых идей, развития навыков их практического применения.

В мире ведутся эффективные исследования по обеспечению качества высшего образования, по повышению конкурентно способности выпускников на основе компетентного подхода в образовании, созданию современного методического обеспечения планирования творческого образовательного процесса, благодаря развитию креативной компетентности педагогических кадров. И здесь важное место занимает интернационализация и модернизация содержания современного профессионального образования, основанного на передовом зарубежном опыте, формирование среды проблемного образования, основанного на компетенции. Очень важным считается активизация процесса познания студента возникшего когнитивного диссонанса, в результате сотрудничества студента и компьютера, совершенствование педагогических возможностей решения математических задач с применением компьютерных технологий и их внедрение в практику при развитии у студентов самостоятельной творческой деятельности.

Повышение уровня качества подготовки кадров в нашей стране, подготовка высококвалифицированных специалистов на основе международных стандартов, в процессе внедрения в учебный процесс передовых педагогических технологий на основе международных образовательных стандартов, в результате проводимых широкомасштабных реформ повысилось качество и эффективность обучения в вузах, что стало причиной развития у педагогов и студентов креативного, нового математического мышления. В тоже время существует необходимость активизация у студентов самостоятельной творческой познавательной деятельности. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан обозначены такие задачи, как «широко внедрить в систему высшего образования учебные программы и учебно-методические материалы, развить у студентов и научно-педагогических кадров современные профессиональные знания, уровень свободного мышления и самостоятельной творческой деятельности», в этом отношении важное значение приобретает вопрос совершенствования методики развития самостоятельной творческой деятельности студентов с учётом особенностей

проблемного образования и проблемных математических задач в высших учебных заведениях.²

Данная диссертация служит реализации задач, которые были определены в таких документах, как Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», 16 февраля 2017 года ПФ-4958 «О дальнейшем совершенствовании послевузовского образования», Постановлении Президента от 20 апреля 2017 года ПП-2909 «О мерах по развитию системы высшего образования» а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. «Исследование духовно-нравственного и культурного развития общества, духовные ценности, национальная идея, культурное наследие, истории узбекского народа и государства а также системности и непрерывности образования, воспитания всесторонне развитого гармоничного поколения».

Степень изученности проблемы. В республике и зарубежных странах были проведены ряд научных исследований направленных на совершенствование системы образования, связанных с местом и значением проблемных задач в развитии у студентов самостоятельной творческой деятельности на основе проблемных педагогических технологий.

В частности, теоретически-методологические и методические основы совершенствования содержания образования с помощью проблемных задач нашли своё отражение в научных исследованиях: Ж.Икромов, Т.Тўлаганов, Н.Р.Ғайбуллаев, Д.И.Юнусова, Б.С.Абдуллаева, М.Ш.Маматов, С.Алихонов, М.Раёмов, Э.Ғозиев; проблемы развития у студентов самостоятельной творческой деятельности через внедрение в образование информационно-коммуникационных технологий: М.Арипов, А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, У.Юлдашев, и других.

В странах СНГ преподавание геометрических задач и простых дифференциальных уравнений на основе компьютерных технологий были раскрыты в трудах Ю.М.Колягин, В.А.Оганисян, О.В.Зими́на, Л.Д.Кудрявцев, Ю.Л. Кетков, А.И.Кузнецов кроме того, были раскрыты методики преподавания тем по дифференциальным уравнениям с использованием MathCAD, MatLab, Maple, Mathematica.

В зарубежных странах были проведены научные исследования таких учёных, как, Ж.Адамар, А.Пуанкаре, Ж.Гилфорд, Ж.Рензулли, А.Ренье, посвящённые значению использования проблемных задач в процессе преподавании математики.

